

# **Бугун – Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун**



Мадҳия — миллий ғуруримиз, истиқололимиз ва истиқболимиз тимсоли. Мустақиллик ва бирдамлигимиз рамзи. Уни тинглагандан ҳам, куйлагандан ҳам қалбларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари янада жўш уради, шу юртнинг фарзанди эканимиздан ифтихор туямиз.

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинганига 30 йил тўлди.

Сана муносабати билан Термиз туман 1-сонли мактабида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир аввалида барча жўрлигида Давлат мадҳияси куйланди. Туман Маънавият ва маърифат бўлими ва мактаб раҳбарлари сўзга чиқиб, Давлат мадҳияси қабул қилинганинг 30 йиллиги билан барчани қутлади.

Тантанали тадбирда туман Маданият бўлими санъаткорлари ва иқтидорли тўғарак аъзолари ижросида намойиш этилган концерт дастури барчага байрам кайфиятини улашди.